

ШАРТНОМА № 1

Фуркат туман

2022 йил “ 11 ” Май

Фаргона вилояти Фуркат тумани Тиббиёт бирлашмаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи бошлиқ **М.Б.Эргашев** (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади) бир томондан ва номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи раҳбари **М.Б.Махкамов** кейинги ўринларда “**ODOBING-OFTOBING” МЧЖ**, иккинчи томондан кейинчалик томонлар (Аутсорсер деб аталади) ушбу Шартномани қуидагилар тўгрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунга қадар ҳар куни буюртмачини мижозларнинг **овқат тайёрлаш хизматини** ҳамда Ўзбекистан Республикасининг норматив-хукукий хужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва коидаларига риоя этган ҳолда, буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофик таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил “12” Майдан.

2022 йил “ 31 ” декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-ракамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуидаги хукукларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулқдан фойдаланиши;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташки қисмida техник жихатдан жихозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чикиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуклар.

2.2. Аутсорсер қуидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жихозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, саклаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, фойдаланган коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равища огохлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқданганда, Аутсорсер зудлик билан буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳукукини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига руҳсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига буюртмачининг худудида одоб-аҳлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклashi;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жихозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда саклаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул килиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равища огохлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишини (малакасини оширишини) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қўйидаги ҳукуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равища огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг кийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқлар.

2.4. Буюртмачи қўйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган хисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жихозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **384780000 сўм (Уч юз саксон турт миллион етти юз саксон минг)** сўмни ташкил этади.

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камида бир марта амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматлар ҳисоб-китоби шартнома ойлик суммасининг 30 фоизи миқдорида олдиндан, 70 фоизи ҳакикатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чикиб ҳар 10 кунда, якуний ҳисоб-китоб эса кегинги ойнинг 5-санасига қадар амалга оширилади.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган, бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида шартномада белгиланган суммадан ортиқ; бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан **бирининг ташабbusи билан** қайта кўриб чикилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер томонидан овқат тайёрлаш хизматини олиб боришда, санитария қоидалари ва меъёrlари талабларини бажарилиши ҳолатининг кунлик назоратини олиб бориш буюртмачининг тегишли масъул ходимлари зиммасига юкланди.

4.2. Аутсорсинг хизматларини мониторинг килиш буюртмачи томонидан шартномада белгиланган шартларда кунлик амалга оширилади.

4.3. Аутсорсер томонидан ташкил этилган хизматларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, шунингдек, техник тартибга солиш соҳасидаги бошка норматив ҳужжатлар талабларига тўлиқ мувофиқлиги ваколатли органлар томонидан ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бошқармаларининг тегишли бўлинмалари томонидан назорат қилинади.

4.4. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пеняning умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.5. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.6. Мазкур шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик қодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошка норматив-хуқукий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.7. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.8. Томонларнинг мазкур шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ кўлланилади.

4.9. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пурратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошка шахслар) томонидан коррупцияга карши қўшимча шартларга риоя

этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда заарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

I. Мунозарали вазиятларни хал этиш тартиби

5.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси конунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф қилиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чикиш учун берилади.

II. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас куч, яъни табиий оғатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга сурилади.

III. Якунловчи қоидалар

7.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар факат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳакикий ҳисобланади. Мазкур шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.


7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур шартнома бўйича ўз хуқуқ ва мажбуриятларини бошка томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор қилингунинг қадар амал килади.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

“Аутсорсер”	“Буюртмачи”
<p>“ODOBING-OFTOBING” Манзил: Кукон шахар А. Темур кучаси 25-А уй Х/Р: 20208000005168798001 Банк: Миллый банк Кукон булими МФО: 00545 ИНН: 307066878 ОКОНХ: 46200</p> <p>Рахбар: _____ М.Б. Рахимов</p> <p></p>	<p>Фуркат туман Тиббиёт бирлашмаси. Фуркат тумани Навбахор шахарчаси. Шифокорлар кўчаси 12 уй ИНН: 200201685 ОКОНХ: 91511 Шх/р: 100022860302387073101054001</p> <p>Ўзб. Республикаси Молия вазирлиги х/р: 2340200300100001010 Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси МФО: 00014 ИНН: 201122919</p> <p></p> <p>директ: .Эргашев</p>



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
FURQAT TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

151700, Furqat tumani, Mevazor ko'chasi, 20-uy, tel.: (998 73) 549 11 85,
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: furqat.t-yurmarkaz@adliya.uz

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

11.05.2022 yil

Furqat tumani

1. **Loyihaning turi:** Shartnoma

2. **Loyihaning nomi:** Furqat tumani Tibbiyot birlashmasi nomidan M.Ergashev va "ODOBING-OFTOBING" MChJ rahbari M.B.Mahkamov o'rjasida ovqat tayyorlash (autsorsing) xizmati to'g'risidagi № 1-sonli shartnoma

3. **Loyixa ishlab chiqilgan va markazga kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:**

Shartnoma loyihasi 2022-yil 11-may kuni ishlab chiqilgan va Yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022-yil 11-may kuni ekspertizadan o'tkazish va xulosa olish uchun kelib tushgan.

Shartnoma loyihasini o'rganish davomida quyidagilar aniqlandi:

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi va "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonun, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 10.01.2020 yildagi "O'zbekiston Respublikasi Sog'liqni Saqlash vazirligi tuzilmasidagi tashkilotlarda autsorsing xizmatlari ko'rsatish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida"gi № 16-son qarori hamda boshqa qonun hujjatlari talablari asosida to'g'ri ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

Xulosa qilaman:

Furqat tumani Tibbiyot birlashmasi tomonidan taqdim etilgan ovqat tayyorlash (autsorsing) xizmati to'g'risidagi № 1-sonli shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

**Furqat tuman YuXKM
bosh yuriskonsulti**



M.M.Axmedov

2752236



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ODOBING-OFTOBING" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ODOBING-OFTOBING" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

27.01.2020

806183

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

307066878

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Farg'ona viloyati, Qo'qon shahri, Amur Temur ko'chasi, 25-a,

Guvohnoma:

Farg'ona viloyati, Qo'qon shahri, DAVLAT XIZMATLARI
MARKAZI

tomonidan
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):




Фуркат туман Тиббиёт бирлашмасида етиб даволанадиган беморларга бериладиган иссик овкат учун белгиланган миёри нарх түгрисида маълумот

Фуркат тумани Тиббиёт бирлашмасида 156 урин жой мавжуд Шундан 1 бемор учун 1 кунлик иссик овкат таминлаш кўйданича

№	Ташкилот номи	Уринлар сони	8 ой давомида урин кунлар	1 уринга кунлик уртacha нарх	Жами сумма
1	Фуркат тумани Тиббиёт бирлашмаси	156	34980	11000	384780000
	жами	156	34980	11000	384780000

Фуркат тумани Тиббиёт бирлашмаси
раҳбари:  М. Эргашев

«Одобинг Офтобин» МЧЖ
раҳбари:  Б. Раимов

Фуркат тумани Тиббиёт бирлашмаси Марказий шифохонада 156 уринга
 хизмат курсатувчи ошхонасини аутсорсинг хизматига утказиш
 буйича смета лойихаси.

№	Кунлик нонушта	микдори	нархи	сумма
Нонушта				
1	нон	0,1	2800	280
2	ёгли сут	0,1	4500	450
3	гүрунч	0,02	7000	140
4	шакар	0,03	11000	330
5	тухум	1	1000	1000
Сарёг		0,04	28000	1120
Тушлик				
Тушлик				
1	Нон	0,1	2800	280
2	мол гүшти	0,06	55000	3300
3	перловка	0,02	6500	130
4	усимлик ёги	0,01	16000	160
5	пиёз	0,01	1500	15
6	картошка	0,1	4800	480
7	сабзи	0,02	2000	40
8	томат	0,0015	17000	25,5
9	туз	0,002	1500	3
Кечки				4433,5
Кечки				
1	нон	0,07	2800	196
2	мол гүшти	0,04	55000	2200
3	макарон	0,02	6500	130
4	усимлик ёги	0,01	16000	160
5	пиёз	0,01	1500	15
6	картошка	0,1	4800	480
7	сабзи	0,02	2000	40
8	томат	0,0015	17000	25,5
				3246,5
Бир кунлик овкат нархи				11000

Одобинг -Офтобинг МЧЖ

Б Раймов



Директо^р ГУЗ
БР

М. Зулев.